O'ZBEKISTON RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
9 APREL
SESHANBA
№ 45 (26.904)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Самарқанд туманидаги Муқимий номли 32-ўрта мактабда яхши анъана йўлга қўйилган. Бу ерда ўқувчилар билим олиш билан биргаликда, ҳунармандчилик сирларини ҳам ўрганадилар. Мактабда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида зардўзлик, кабзачилик, дурадгорлик сингари ҳунармандчилик турларидан сабоқ берувчи қўшимча дарс соатлари ташкил этилган.

Ҳозирги кунда мактабнинг ўқувчи қизлари зардўзликнинг яна бир тури — заминдўзлик ҳунари билан шуғулланаяптилар.

— Мактабимиз ўқувчилари бўш вақтларини беҳуда сарфламасдан ҳунар ўрганаётганликларидан кўплаб отаоналар мамнун, — дейди мактаб директори Ғолиба Абдуллаева. — Энг муҳими ҳунарли бўлиш ўқувчиларимизнинг келгуси ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ушбу умумтаълим масканида ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё.

Шунингдек, мактаб ўқувчилари ва маҳалла аҳли ўртасида турли тадбирлар уюштириш ҳам мунтазам йўлга қўйилган.

Суратларда: *1. Бошланғич синф ўқитувчиси Мавлуда Фозилова дарс пайтида.*
2. Кекса педагоглар даврасида.
3. Аълочи ўқувчи Шаҳноза Солиева.

■ Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

БУГУН — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИДА ИҚТИСОД ЭРКИНЛИГИ

ЁКИ БУЮК БОБОКАЛОНИМИЗ АМАЛГА ОШИРГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИШБИЛАРМОНЛАРГА ҚУЛАЙ МУЛКИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ШАРОИТ ЯРАТИШ, АЙНИҚСА САВДО-СОТИҚ, ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛГАНИ ҲАҚИДА

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср Ватанимиз тарихида муҳим воқеаларга ниҳоятда бойлиги, халқимиз, давлатичилигимиз тақдирида бурилиш ясаши, биз учун ибрат ва сабоқ даври ҳисобланади. Бу даврда мўғуллар ҳукмронлиги ва феодал тарқоқлик тугатилиб, бир ярим асрлик зулм оқибатида иқтисодий, маданий-маърифий жиҳатдан турғунлик ҳолатига тушиб қолган мамлакатимиз ўз мустақиллигини қайта тиклашга киришди. Бу минтақада Амир Темур бошчилигида ягона туғ остида марказлашган, кучли ва мустақил давлат ташкил топди. Марказий Осиё халқлари ҳаётида юз берган бу тарихий жараёнда шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари ниҳоятда буюкдир.

Бу оқил ва билимдон инсон давлатнинг куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда ҳарбий ва энг муҳими иқтисодий ислоҳотлар ўтказди. Бу ислоҳотлар замирида ўтмиш тажрибаси, донишмандларининг ақл-идроки, ғоялари ётар эди. Ислоҳотлар жараёнида тараққиёт учун ягона давлат, ўзаро тотувлик, ишбилармонларга қулай мулкий ва ҳуқуқий шароит яратиш, айниқса, савдо-сотиқ, тижоратни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Амир Темур марказлашган катта давлат барпо этди ва ўрта асрларнинг бу улкан давлатини идора этиш ва бошқаришнинг асосий қонун қоидалари тўплами — «Тузуклар»ни яратди. У Ислом дини мафкураси ва аҳкомларига суяниб, «Тузуклар»и асосида эл-юртни бошқарди ва мамлакатни обод этди. Мовароуннаҳрда қарор топган осойишталик мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожида асосий омил бўлди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо кенгайди, фан ва маданиятнинг равнақи учун мақбул шарт-шароитлар вужудга келди.

«Тузуклар»и Амир Темурнинг 1342-1405 йиллар оралиғидаги фаолиятини акс эттиради ва икки қисм (мақола)дан иборат. Биринчи қисмида асосан ягона давлат барпо этиш, уни мустаҳамлаш масалаларига бағишланган бўлса, иккинчи қисмида Соҳибқирон номидан унинг тожу тахт ворисларига айтилган ўзига хос васият, панд-насиҳат, турли соҳалардаги, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодиётга оид фикр-мулоҳазалар киритилган.

Асарда ўша даврдаги давлат бошқарувини ташкил этишдаги таяниладиган гуруҳлар 12 ижтимоий тоифадан иборат бўлганлиги қайд этилади: сайидлар, уламо машойих, фозил кишилар (дин аҳиллари); ишбилармон, донишманд олимлар; художўй, таркидунё қилган кишилар; нуёнлар (туман бошлиғи); амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбийлар; сипоҳ ва раият (солиқ тўловчи халқ); махсус ишончли кишилар; вазирлар, саркотиблар; ҳокимлар (файласуф, донишманд, алломалар); табиблар, мунажжимлар, муҳандис (инженер), тафсир ва ҳадис олимлари; аҳли ҳунар ва санъатчилар; суфийлар; савдогар ва сайёҳлар. Давлат тақдирини эса подшо, хазина ва аскар ҳал қилади, дейилган.

Амир Темур тасарруфидаги ерлар улусларга бўлиб идора қилинган. Марказий ҳукуматга тобе бўлган улуслар Самарқандга хирож (олинган ҳосилнинг учдан бир қисми) тўлаши шарт қилиб қўйилган. Давлатни бошқаришда иштирок этувчилар орасида иқтисодий масалалар билан шуғулланувчилар алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, давлатдаги етти вазирдан иккитаси бевосита шу ишга жавобгар эди: эгасиз қолган мол-мулкларни тасарруф этиш ишлари вазири; салтанатнинг кирим-чиқим ишларини бошқарувчи вазир, яъни ҳозирги тил билан айтганда, молия вазири. «Тузук»ларда вазирларга шундай таърифлар берилган: «Вазирлар салтанат устунидир... Улар мамлакат ободончилигини, раиятнинг тинчлигини, сипоҳларнинг бирлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймайдилар. Салтанатга зарарли нарсаларни қайтаришда молу тожини аямайдилар».

«Тузуклар»да Амир Темур даврида ундириладиган солиқ ва жарималар ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар берилган, ўша даврда солиқ тўловчи халқдан хирож, молужиҳот, совўрин, қўналға, бож, шилон пули сингари солиқ ва жарималар олинган. Солиқ ва жаримани йиғиш ва харж (сарф) қилишга алоҳида эътибор берилган. «Хирожни йиғиш вақтида, — деб уқтирилади «Тузуклар»да, — икки вазир тайинлансин. Бири тўпланган молни ёзиб, раият аҳволини текшириб турсин, бож олувчилар фуқарога зулм қилиб, уларнинг аҳволини харобга етказмасинлар. Вилоятларда йиғилган тамом молашёни кирим дафтарига ёзишлари лозим. Иккинчи вазир эса чиқим дафтарига ёзиб, йиғилган молларни сипоҳ маошига тақсим қилсинлар».

Демак, кўриниб турибдики, ҳозирги давр тили билан айтганда, бухгалтерия ишини тўғри йўлга қўйиш талаб этилган. Хирож миқдори одатда суғориладиган ерларда жами ҳосилнинг учдан бири (33%), лалмикор ерларда тўртдан бири (25%)га тенг бўлган миқдорда тўпланган. Бу рақамлар ҳозирги даврдаги даромад солиғи атрофидадир.

Иқтисодчи олим, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ҳ. Собировнинг маълумотларига кўра, Амир Темур даврида бюджет тушунчаси амалда бўлган, марказий хазинага келиб тушган ва унинг ҳисобидан қилинган харажатларгина эмас, балки вилоятлардаги кирим-чиқим ҳам ёзиб борилган.

Юртни обод қилишга кўп куч ва маблағ сарфланган. «Ҳар бир шаҳарда масжитлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим», — дейилади бу асарда (58-бет).

Шу нарса аёнки, Амир Темур айниқса савдо ривожига алоҳида аҳамият берган, унинг даврида бир кунлик карвон йўлида барча зарур шароит муҳайё этилган (карвонсарой, от, ем-хашак, озиқ-овқат, сардобалар қурилган), қароқчилар қаттиқ жазоланган.

Соҳибқирон давлатида девони бузург (бош вазир)дан ташқари ҳам ҳар бир вилоятда Девон дейилувчи бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини, солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар — бозор, ҳаммом, йўл ва сув иншоотлари, тармоқларини назорат остига олган.

Қизиғи шундаки, Девон ходимлари халқнинг тинч-осойишта турмушини таъминлашда ўзларини масъул ҳисоблаганлар. Бунинг учун бозорлардаги тош-тарозининг тўғрилиги, нарх-навонинг одилона қўйилганлиги алоҳида текширилган. Қаллоблик, товламачилик қилган савдогарлар шундоққина бозорнинг ўзида, халқнинг кўз ўнгида шарманда қилиниб, жазога тортилганлар. Халқни ижтимоий ҳимоялаш, бозор монополиясидан муҳофазалаш мақсадида савдогарларга олиб келган мол-товарлари учун 10 фоизгача устама нарх қўйишга рухсат этилган. Ана шу тариқа ички истеъмол бозорлари энг сифатли, энг ранг-баранг ва муҳими, энг арзон маҳсулотлар билан тўлиб-тошган. Бу ҳодисотни бугунги ислоҳотларимиз даврида импорт қилинаётган товар маҳсулотлар тендер-танлов асосида жалб қилинаётгани билан қиёслаш мумкин.

Ўша даврларда ҳам давлат хазинаси асосан олинган солиқ ва ўлпонлар ҳисобига шаклланган. Лекин ижтимоий меҳнатнинг баъзи турларида машғул бўлган халқ вакилларига имтиёзли солиқлар жорий этилган. Масалан, кимда-ким бирон сахрони обод қилса ёки кориз (ер ости иншооти) қурса, бирон боғ кўкартирса, ёхуд биронта хароб бўлиб ётган жойни обод қилса биринчи йили ундан ҳеч қандай ўлпон олинмаган.

(Давоми 2-бетда)

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ПАУЭЛЛ МАРОККОГА КЕЛДИ

АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл кеча Мароккога келди. У бу ерда Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш бўйича музокараларда иштирок этади. Сафар давомида исроилликлар ва фаластинликлар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этишни асосий мақсад қилиб олган. У Миср, Испания ва сафар сўнггида эса Исроилга бориб, бош вазир Ариэл Шарон билан учрашади.

КОФИ АННАННИНГ ТАЛАБИ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан кеча Мадридда БМТнинг кексалик муаммоларига бағишланган конференциясида нутқ сўзлади. У Исроилдан ўз қўшинларини тезроқ Фаластин ҳудудидан олиб чиқиб кетишни талаб қилди. Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва унинг ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгаши қўйган талабни қабул қилади, деб ўйлайман, деди у.

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Уч ҳафталик танаффусдан сўнг Гаагадаги суд жараёни яна давом эттирилмоқда. Маълумки, халқаро трибунал томонидан Югославиянинг собиқ раҳбари Милошевич иши кўрилмоқда. Суд мажлиси ёпиқ эшиклар ичида ўтказилаётир. Кеча иккита гувоҳ чақирилди. Ҳозирча уларнинг исми шарифи ошкор этилмаяпти.

ЭРОНДА ЗИЛЗИЛА

Кеча эрталаб Эроннинг шимоли-ғарбий ҳудудида Рихтер шкаласи бўйича 4,4 балли ер қимирлади. Қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ. Эронда ер қимирлаш ҳолатлари тез-тез содир бўлиб туради. Айниқса, 1991 йилдан буён мамлакатда 950 марта зилзила содир бўлган. Натижада 17600 киши ҳалок бўлиб, 53 300 киши жароҳатланган.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 666 йил тўлиши муносабати билан «Амир Темур» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Унда улкан салоҳият соҳиби Амир Темурнинг бебаҳо тарихий меросини тарғиб қилишда хайрли ишларни амалга ошираётган жамғарма фаолиятига ижобий баҳо берилди.

Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари тарихий музейида тарихчи олимлар иштирокидаги илмий-амалий анжуман ҳам Амир Темурга бўлган эҳтиромнинг ифодаси бўлди.

■ Шуҳрат ҚАРШИЕВ

НАМАНГАНДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Истиқлол туфайли адабиёт кишанлардан халос бўлди. Адабиёт учун ёзилмаган қоидаларнинг умри тугади. Истеъдодлими, халқ, ўқувчи эътироф этдими бас, қишлоқдами, шаҳардами, пойтахтдами, муносиб баҳосини олмоқда. Вилоятларда ижод қилаётган ўнлаб адибларимизга кўрсатилаётган иззат-икром бунга яққол мисол. Ҳабиб Саъдулла ҳам ана шундай бахтиёр адиблардан.

Вилоят ҳокимлигининг қарорига биноан шу йил Наврўз кунларида Ўзбекистон халқ шоири, республика Олий Мажлиси депутати Ҳабиб Саъдулла таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан вилоятда адабиёт кунлари ўтказилди. Туманларда, шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтган учрашувлар, адабий кеча, мушоиралар Наманган аҳлининг шоирга бўлган муҳаббатини ёрқин ифодалади.

Наманганда ўтказилган тантаналарга мамлакатимизнинг таниқли адиблари, шоир ва адабиётшунослари ташриф буюришди.

Боборахим Машраб, Муҳаммадшариф Сўфизода, Чустийлари билан фахрлангувчи наманганликлар ифтихорига арзирли ва ярашиқли яна бир сиймо — Ҳабиб Саъдулла шеърияти, унинг серқирра фаолияти, ўзига хос матонат ҳақида устозлар — Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад, адабиётшунос Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, шоир Аҳмад Тошхўжа, ёзувчи Муҳаммад Али, қўшни Андижон ва Фарғона Бухоро-ю Самарқанд, шунингдек, Қирғизистондан келган меҳмонларнинг каломларидан миллий истиқлол ва инсоний қадр-қиммат, тинчлик-осойишталик шукуҳи уфуриб турди. Шоир шеърларига басталанган наволар янгради. Шоирнинг янги чоп этилган 2 жилдлик «Танланган асарлар»и мухлисларни шодлантирди.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ

ЖАҲОН БОЗОРИНИ КЎЗЛАБ

«Сариосиё пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтган йили 20 минг 121 тонна пахта қабул қилинганди. Шундан 3 минг 495 тонна сифатли тола ишлаб чиқарилиб, Америка, Италия, Англия, Россия ва бошқа ривожланган мамлакатларга экспорт қилинди ва 48 миллион сўмдан ортиқ фойда олинди. Йил охиригача Италиянинг «Технотекс» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона қуриш режалаштирилган. Бу билан 1,5 минг янги иш ўринлари яратилади. Қолаверса, энди чигитни ҳам шу ерда қайта ишлаб, пахта ёғи, кир совун, шрот ва шелуха ишлаб чиқарилади. Келажакда тўқув фабрикаси ҳам қурилади. Мақсад жаҳон бозорига хомашё эмас, тайёр маҳсулот сотишдир. Шунда йилига 450-500 миллион сўм соф фойда олинади.

■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ

«ФЬЮЧЕРС» — ҚАРШИДА

Халқаро «Фьючерс» теннис турнири Қашқадарё вилоятида бешинчи бор ўтказилди. Мусобақада Ўзбекистон, Россия, Япония, АҚШ, Хитой, Франция, Италия каби йигирма давлатдан спортчилар иштирок этишди.

Рейтинг таснифи юқори теннисчилар тўғридан-тўғри финал босқичига йўл олган бўлишса, қолганлар ўртасида саралаш мусобақалари ўтказилди. Антон Кокурин, Мурод Иноятов, Сарвар Акромовлар юртимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Мусобақанинг жуфтлик баҳсларида франциялик Рудольф Кадар ва Бенжамин Кассинлар ғолиб чиқишди. Шахсий ҳисобда эса хитойлик Ен Тцу Вонг финалда россиялик Игор Куницинни мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди — 7:5, 6:4.

■ Юнус УЗОҚОВ

ИФТИХОР

ИСТИҚЛОЛ ЧИЗГИЛАРИ

ПУБЛИЦИСТИКА

1.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан водий сафаридан қайтаяпмиз. Қамчиқ довонининг нишаблик туташган кенг муюлишида машинани тўхтатдик. Жилла оёқ чигалини ёздик. Устоз равон тортган йўл четига келди-да, юксак тоғларнинг инисидай бўлиб турган тепаликни кўрсатди. Бироз ўйга чўмди:

— Умр оқар сув, деб шуни айтадилар. Орадан қирқ йил ўтибди. Бир куни беназир Абдулла Қаҳҳор билан худди шу ерда тўхтагандик. Ўшанда баҳор эди. Абдулла Қаҳҳор ҳув, анови тош ёнида турди. Мени чақирди: «Суратга тушамиз», — деди. Мен устознинг ортидаги тош устига чиқдим. У киши эса тепалик устидаги ўша тошга суяниб турдилар... Бу манзарани четдан кузатаётган одам ўзбекнинг бетакрор ва буюк адибининг дунё заҳматин зарбаларига дош берган елкаси ёш бир шоирни кўтариб турибди, деб ўйлар, чиндан ҳам устоз мени опичлаб олганга ўхшарди. Расм тайёр бўлгач ҳам кўрдим; Абдулла Қаҳҳор айнан мени елкалаб суратга тушганга ўхшарди. Мен нима демоқчиман: улкан одамлар тоққа ўхшайдилар. Уларнинг елкаси ёмғирлар, дўллар, қорлар, жазирама жизғанак қуёш тиғларига бардош беради. Ҳар доим шу йўлдан ўтаётсам улуғ адиб Қаҳҳор бот-бот ёдимга тушаверади... Қара, ҳув анови чўққиларни! Булутлар тўшига санчилиб турибди — осмон билан ерни шу чўққилар ушлаб турганга ўхшайди. Бундан ташқари, бу тоғлар, шу довоннинг қоқ белидан ёриб ўтган йўллар, ҳаммаси бизники. Шундай тоғлари бор халқ ҳеч нарсадан қўрқмайди, уларга қараганинг сайин кўнглинг ҳам юксалиб боради. Шу тоғлар ҳам энди ўзингники эканлигини ҳис қилиб яшаш киши қалбини нурлантириб туради... Кейинги пайтларда қилинган ишлар, бунёд бўлган иншооту завод-фабрикалар, мана шу Қамчиқ довонида амалга оширилган ишнинг ўзи олам-жаҳон китоб бўлади, фақат одамлар юрагини тўлқинлантирадиган даражада, чин кўнгилдан, шу тош заррасидан тортиб то қуёш билан тиғлашган чўққиларгача меники бўлди, халқимизники бўлди деб ёзиш керак. Сен билан менинг бурчим шу. Маҳорат бўлса, юракдаги ғурур ўлмас ва ўчмас бадиятга айланиши бор гап...

Абдулла ака сор бургут парвоз қилаётган осмон ҳамда ернинг найзасидай кўкка санчилган қоялардан кўз узмасди. Хаёлимда одам боласининг жуссаси эмас юраги улкан бўлиши, тафаккури қуёшдан тафт олиши, оёғи заминга туташиб илдизга айланиши керак, деган фикр ўтди. Ўйга толганимни кўрган Абдулла ака елкамга қоқиб қўйди-да, давом этди:

— Юрсанг нега юраяпсан, турсанг нега турдинг, ўтирсанг нега ўтирдинг, тўхтасанг нега тўхтадинг, деган истибдод давридан халқ қутилди. Ўзиям ўша зуғумгир сиёсат даврида ерга кириб кетишимизга озгина қолган эди. Тушундингми, озодликдан фахрланиш туйғусини адабиётда ҳам, санъатда ҳам, публицистикада ҳам ўзига хос тарзда рўёбга чиқара билиш керак.

Шу Қамчиқ довонининг ўзига чиқиб, мана шу қояларга юрагингни очсанг, улар сенга қанчалаб достонлар, оловдай ловуллаган очерклар ҳадя этиши мумкин... Фақат юрак-юракдан шу юртни, истиқлолни сева бил, қадрлай бил!

Устознинг сўзларидан сўнг юрагимизда аланга олиши мумкин туйғулар кўзини лоқайдлик қуруми боса бошласа, ҳафсаласизлик тасаввуримизни хира этса, аҳли қаламнинг элга айтар гапининг юки бўлмайди, деган хулосага келдим...

2.

Дўрмондаги Ёзувчилар боғида сумалак пиширилаяпти. Қозон атрофида йиғилганлар яхши ният билан ўчоққа ўтин ташлайди. Не-не улуғ адиблар ўтган, ҳозирги замон ижодкорлари ҳам ўзларининг ўзгача ёзиш услубини, ўзига хос ҳикоя ва романларини ёзиб, ўзбек адабиётини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган, ҳаммаси ҳозир ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи, ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи ҳаракатлари ҳақида ўйлаяпмиз. Ҳаммаларимиз ҳозирги замон ижодкор

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

СУДДА «ТАҲРИР» ҚИЛИНГАН БУЙРУҚ

БИР РАҲБАРНИНГ ТАҚДИРИНИ ОЛТИ ОЙ ИЛГАРИ ҲАЛ ҚИЛИБ БЎЛГАН ЭДИ

Меҳнат самарадорлиги юқори, деб баҳоланган жамоанинг бошлиғи меҳнат ва ижро интизомини бўшаштириб юборган, деган важ билан бўшатилди.

Ғалати парадокс, ғалати ҳолат, шундай эмасми?

Мақоламиз бошида аввало, шуни айтмоқчимизки, бу воқеани бировдан ўн марта эшитганда ҳам сира ишонмасдик. Фақат ҳужжатларни қайта-қайта кўздан кечиргач, афсуски, бизга шикоят қилган одам ҳақлигига ишонч ҳосил қилдик.

Биз билган, аниқлаган воқеаларнинг айримларинигина қоғозга тушираяпмиз. Очиғи, мамлакатнинг ўзига хос нуфузли бир идорасида содир бўлган бу ғайритабиий, ғайримантиқий воқеа кишида анча оғир мулоҳазаларни уйғотади.

...Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши курашиш Бош бошқармасида тезкор бўлим бошлиғи вазифасида ишлаётган Хотам Ортиқов ўтган йилнинг февраль ойида Қашқадарё вилоят солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши кураш бошқармаси (ССҲБҚКБ) бошлиғи вазифасини бажариш учун юборилди. Янги раҳбарнинг ишлари тезда кўзга ташланди: қисқа муддатда давлат хазинасига 2,5 миллиард сўмга яқин пул тушди, қўшимча солиққа тортилиши лозим бўлган катта миқдордаги база топилди. Вилоят солиқ бошқармаси, ИИБ, Прокуратура ва Марказий банк вилоят бошқармаси билан биргаликдаги фаолият вилоятдаги пул эмиссиясининг камайишига олиб келди. Май ойида вилоят солиқ бошқармаси ҳамда ССҲБҚКБ ўртасидаги ҳамкорликни ўрганишга келган Молия вазирлиги ҳамда ДСҚ ходимларидан иборат гуруҳ бошқарманинг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш борасидаги фаолиятининг самарадорлиги 221,7 фоиз (!) ўсганлигини қайд этди. 3-4 ой ичидаги бундай ютуқ қўмитадаги нуфузли мажлисларда ҳам тилга олинади, Х.Ортиқовнинг ишлари ўрнак қилиб кўрсатилди. Қашқадарё вилоят ССҲБҚКБнинг фаолияти қўмита ахборотномаларида муваффақиятга эришаётганлар қаторида саналди.

Бундай илиқ таърифлар совуб улгурмасданоқ, 18 июнда бошқармага қўмитанинг 219-сонли буйруғи келиб тушди: «Х.Ортиқов бошқарма ва ДСБ ходимлари орасида ўзининг ноўрин хатти-ҳаракатлари, нотўғри бошқарув услублари билан жамоа маънавий-психологик муҳитининг кескинлашувига олиб келганлиги ҳамда жамоа орасида меҳнат ва ижро интизомини сусайтириб юборганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин ва ДСК ихтиёрига қайтарилсин».

Қизиқ ҳолат: жамоада ишлар зўр кетаётган, кўрсаткичлар юқори бўлса-ю, лекин буйруқдагидек, меҳнат ва ижро интизоми сусайиб кетса... Бу ҳолатни қандай тушуниш мумкин? Ахир меҳнат интизоми сусайган жойда иш самарадорлиги ошадими? Самарадорликка ҳам, ютуққа ҳам боғлиқ бўлмаган жамоа маънавий-психологик муҳити ҳамда меҳнат ва ижро интизоми нима экан?

Буйруқда таъкидланишича, бу салбий ҳолатлар ССҲБҚКБ ходимлари Р. Даминов, Р. Сафаров ва У. Сатторовлар томонидан йўлланган шикоятни ўрганиш жараёнида аниқланган эмиш...

«Мен ишга янги борган пайтимда, — деб ёзади Х. Ортиқов, — бу уччала ходимимизнинг ҳаракатларида жиноят таркиби борлиги учун хизмат текшируви ўтказиб, хулосаларимизни қўмитага тақдим этганмиз. Масалан, 2001 йил 5 март куни ДСҚ раиси ўринбосари В.Супруннинг резолюциясига асосан Р. Даминов, У. Сатторов ва бошқаларнинг таъмагирлик қилгани ҳолати юзасидан хизмат текшируви ўтказдик. Ундан сал илгарироқ Қарши шаҳар прокурори Х.Асланов томонидан киритилган (25.02.2001 йил) 33/2001-сонли тақдимнома бўйича ўтказилган хизмат текшируви хулосасига кўра Р.Даминовга ҳайфсан берилган эди. Айнан Р.Даминов ва У.Сатторовлар ДСҚнинг 34-сонли буйруғи талабларини қўпол равишда бузиб, ўзбошимчалик билан ваколат доирасидан чиқиб, бошқарманинг махсус бланкасига ўзлари имзо чеккан ва Шаҳрисабз ҳамда Китоб туманларидаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларидаги пул айланмалари тўғрисида сўровномалар юборган. Сўровномалар ва жавоблар ҳеч қаерда қайд этилмаган. Бу ҳолатни бошқарма тезкор бўлими бошлиғи З.Юсупов билдирги орқали маълум қилди. Хизмат текшируви натижасида улардан 23 та материал олиб қўйилди. 8 та тадбиркорнинг солиқ соҳасида қонунбузарлик ҳолатини билдирувчи маълумотлар уларда бор бўлса-да, буни ҳеч қаерга маълум қилмасдан, яшириб юришган экан. Кейинчалик солиқни яшириб юрганлар суд томонидан жазоларини олишди.

Хизмат текшируви ўтказган суриштирув бўлими бошлиғи Х.Раҳимов ва тезкор бўлим бошлиғи З.Юсупов иккала ходимнинг ҳаракатида жиноят аломатлари бор, деган хулосага келади. Текширув хулосаси 6 апрелда бошқарма касаба қўмитаси умумий йиғилишида кўриб чиқилиб, уларни ишдан четлатиш ҳамда тўпланган материални прокуратурага оширишни сўраб юқори идорага 9 апрелда 08/1-399-сонли хат билан 193 варақдан иборат ҳужжатлар юборилди.

Кадрлар бўйича етакчи мутахассис Р.Сафаров бошқармага ишга кирмоқчи бўлган Н.Абдуллаев, Ж.Ҳамроев ва бошқаларга нисбатан таъмагирлик қилганлиги ҳақидаги хабар тушгани учун унинг фаолияти юзасидан бошқарма суриштирувчиси М.Бердиев май ойида хизмат текшируви ўтказди. Текширув натижасида унинг ҳаракатларида таъмагирлик аломатлари бор, деган хулосага келинган. 30 май куни 687-сонли хат билан вилоят прокуратурасига ҳамда 6 июнда қўмитага бу ҳолат маълум қилинди. Р.Сафаров ва Р.Даминов сингари таъмагир ходимларга бизнинг қаттиққўлигимиз ёқмаган, албатта. Уларнинг «муҳити» билан бизнинг ишчанлик муҳитимиз бошқа-бошқа эди. Улар ўз муҳитидан келиб чиқиб ариза ёзишибди. Агар муҳит ёмон бўлса, нега юқоридаги шахслардан бошқа бирор ходим менинг фаолиятим устидан шикоят-ариза қилмаган? Ёки буни бўшатилишимдан бир ой илгари Молия вазирлиги ҳамда қўмита вакилларидан иборат текширишга келган гуруҳ аниқлаган бўлмасмиди?

Р.Даминов, Р.Сафаров ва У.Сатторовларнинг шикояти юзасидан хизмат текширувига келган ДСҚнинг бошқарма ходимлари Р.Пиров, Б.Мирҳамидов ва ДСҚ ССҲБҚ тезкор курашиш Бош бошқармаси ходими Н.Ҳайдаровлар қўлига ҳам юқоридаги ҳужжатлар тақдим этилган эди. Лекин улар ҳам хулосани асосан Р.Сафаров ва Р.Даминов гапларига суяниб ёзиб кетишганига ҳайрон қолдим. Бутун жамоани Р.Сафаров билан Р.Даминовлар ташкил қиладими, муҳитни улар белгилашадими? Хуллас, бизнинг юқоридаги ходимларимизни тийиб қўяётганимиз кимлардир ёқмади шекилли, мурожаатларимизга жавоб бериш ўрнига, муҳит бузилди, деган айб қўйилди. Р.Даминов ва У.Сатторовлар устидан ўтка-

1

зилган апрелдаги хизмат текшируви хулосаларига ҳамон жавоб олингани йўқ. Фақат аввалги текширув натижаларини такрорлаш билан овворалар. Р.Сафаров иши бўйича ҳам бирор гап-сўз айтилмади. Аксинча, мен огоҳлантирилмасдан ишдан бўшатилдим. Р.Сафаров ва Р.Даминов эса бири Касби, бири Яккабоғ туман солиққа оид жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғи бўлиб яқин кунларгача ишлаб келаётганидан хабардорман».

Жамоа ишга нолойиқ, деб топган ходимларни раҳбарият кўтар-кўтар қилса, буни қандай тушуниш керак?

Яна бир қизиқ факт: Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари Н.Сулаймонов 16 март 2002 йилда берган маълумотга кўра, Р.Сафаров 2001 йил август ойида фуқаро З.Очиловдан ўғлини ишга жойлаштириш эвазига 1 миллион сўм пора олган. Ушбу ҳолат бўйича вилоят прокуратураси томонидан 2002 йилнинг 20 февралида жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти. Бу ҳолат бошқарма томонидан қўмитага юборилган маълумотда жон борлигини кўрсатмайдими? Агар ўз вақтида бунга эътибор берилганда, шундай ҳолатнинг олди олинмасмиди? Қолаверса, Х.Ортиқов ана шундай «муҳит»га қарши курашиб тўғри қилганлигининг исботи эмасми бу?

Афсуски, Ортиқовнинг шубҳали, ишончсиз ходимларга нисбатан қаттиққўллиги, уларнинг нопок йўлдан қайтаришга ҳаракати кимларгадир ёқмайди. Янада аниқроғи, Х.Ортиқов қўмитада ишлаб юрган пайтида «тили аччиқ»лиги, ҳадеб қонундан келаверши кимларнингдир ғашини келтирган бўлиши мумкин. Хуллас, Қашқадарёдан Х.Ортиқов устидан келган (эҳтимол уюштирилган) шикоят хати қўмитадаги айрим шахсларга қўл келди шекилли, ишқилиб бу имкониятдан самарали фойдаланишди.

ДСҚ буйруғи юзасидан Х.Ортиқов судга мурожаат қилди. Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик суди ишни кўриб чиқиб, даъвогарнинг талабини (2001 йил 23 октябрдаги қарори билан) рад этди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъати ҳам қуйи суд қарори билан келишди. Ушбу суд томонидан чиқарилган ажримда Х.Ортиқов ҳақиқатдан қисқа вақт ичида юқори самараларга эришганлиги, лекин бу ютуқларга эришиш асосида раҳбар сифатида ноўрин хатти-ҳаракатлари ва нотўғри бошқарув услуби билан жамоада муҳит бузилишига сабаб бўлганлиги ҳақидаги ғалати фикр такрорланади. Агар муҳит ёмонлашган бўлса, судда гувоҳ сифатида сўралган Х.Раҳимов, А.Саитов, Т.Жўраев ва Амитовлар нега Х.Ортиқов ишга боргандан сўнг бошқармада иш яхшиланганини, кўрсаткичлар республика миқёсида олдинги ўринларга чиққанлигини, у киши қаттиққўллик билан интизомга эътибор бергани учун жамоа яна-да жипслашганлигини ва бу ҳаракатлар айрим ходимларга ёқмаганлиги учун Р.Сафаров, Р.Даминов ва У.Сатторовлар бошлиқ устидан тўҳмат хатлари ёзишганини айтиб кўргазма беришди экан? Улар ҳам жамоа муҳитининг бир қисми эмасмилар? Ёки муҳитни фақат Р.Сафаров, Р.Даминов ва У.Саттаровлар белгилаб беришадими?

Умуман, қўмита назаридаги муҳитнинг белгилари қандай: самарадорликми, ё..?

Суд юқоридаги гувоҳлар кўргазмасига қўйидагича баҳо берди: «судлов ҳайъати бу гувоҳларни кўрсатмаларига баҳо бериб, ҳозирги кунда Прокуратура қошидаги Департаментга аттестация асосида янгитдан сухбат билан ишга қабул қилиш чўзилиб кетганлигидан норози бўлиб даъвогар фойдасига кўрсатма берган деб ҳисоблаб, уларнинг кўрсатмаларини инобатга олишни лозим топмайди». Қизиқ, Сатторов, Даминов, Сафаровларнинг айтганлари ишончли бўларкану, бошқа ходимларнинг суд залидаги кўргазмалари инобатга олинмас эмиш? Бу ҳолат суд масалага бир томонлама ёндашаётганлиги, аниқроғи бир томонга очиқдан-очиқ ёнбосаётганлигини кўрсатмайдими? Суд «Судлар тўғрисида»ги қонунга асосан, фақат судда аниқланган ҳолатлар бўйича иш кўриши керак эмасми?

Бундан ташқари Н.Амирқулов ва А.Турдиевнинг (ССҲБҚКБ да ўша пайтдан бири бош суриштирувчи, бири Х.Ортиқовнинг ўринбосари бўлган) Х.Ортиқов келгандан сўнг жамоа янада жипслашиб, ҳукумат қарор ва топшириқларини бажаришга ўн чандон ғайрат билан ишга киришганликлари, бошқармадаги кўрсаткичлар бир-икки ойдаёқ бир йилдаги кўрсаткичлардан ошиб кетганлигини ҳамда жамоада ишчанлик кайфияти кўтарилганлигини таъкидлаб қўмита раиси номига ёзган тушунтириш хатлари судлов ҳайъатига ҳам тақдим қилинган экан. Х.Жузбанов, Ф.Ҳусанова ва А.Усмоновлардан иборат ҳайъатнинг бу кўргазмаларга муносабати қандай бўлганлигини юқорида айтиб ўтдик. Даъвогарнинг фойдасига кўргазма берганларнинг сўзлари инобатга олинмасин, деган та-

2

омил қаерда бор?

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи А. Рисқуллаев Х. Ортиқовни ишга тайинлаш ҳамда ишдан бушатилиши тўғрисидаги буйруқларда меҳнат қонунчилиги талабларига жавоб бермайдиган ўринлар борлигини 25.07.2001 йилдаги хати билан Х.Ортиқовга маълум қилади ҳамда нусхасини ДСҚ га йўллаган. Хусусан, ишга тайинлаш тўғрисидаги 119-сон буйруқ ҳақида шундай хулоса беради: **«Қўмитанинг 2001 йил 2 апрелдаги 119-сон буйруғи билан Сиз эгаллаб турган лавозимдан солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларга қарши курашиш Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчиси лавозимига штат жадвалида белгиланган ойлик маош ва барча пул ва молия ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан 2002 йил 2 апрелдан (МКнинг 92-моддасига асосланган ҳолда) ўтказилгансиз. Лекин, МКнинг 92-моддаси бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисида белгиланиб, вақтинча бошқа ишга ўтказишларни тартибга солмайди (ушбу модда нотўғри кўрсатилган). Шу билан биргаликда юқорида қайд этилган буйруқ МКнинг 93-моддасига зид равишда қабул қилиниб, унда вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг муддати кўрсатилмаган».**

Мутахассис сифатида иштирок қилган А.Рисқуллаев судда ҳам шуни такрорлади. «Судлов ҳайъати мутахассиснинг ушбу фикрини муҳокама қилиб, буйруқ мазмунини тўлиқ 93-модда талабларига мос бўлганлиги сабабли, 92-модда англашилмовчилик асосида юзасидан (?) қўйилган деб баҳолайди» дейилади ажримда. Ажабо, бу қўмита буйруғини саводсизликда айблашми ёки суднинг адвокатлик тузатишими? Нуфузли бир идоранинг буйруғида қонуннинг бир моддаси «англашилмовчилик» орқали бошқача ифодаланиб қолишини қандай тушуниш керак? Ён босиш ҳам эви билан-да...

«Буйруқда, — дейди А. Рисқуллаев, — ходим билан келишув бўлганлиги ва қанча вақтга ўтказилганлиги ҳақида бирор қайд йўқ. Шунинг учун 119-сонли буйруқ Меҳнат кодексининг 93-моддасига ҳам тўғри келмайди. Қолаверса, ажримдаги менинг тилимдан берилган «буйруқ МКнинг 93-моддаси талаби асосида бўлган» деган ёзувларни кўриб ҳайрон қолдим. Мен хатимда ҳам, судда ҳам 119-сонли буйруқ МКнинг 93-моддасига тўғри келмаслигини қайд этганман». Кўргазмаларни ўзгартириш — қонун тили билан қандай изоҳланади?

Судлов ҳайъатининг буйруқдаги МКнинг 92-моддасини мазмунан 93-модда деб тушунишидан келиб чиқадиган маъно шуки, 93-модда ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказишни тартибга солади. Ва вақтинча ишга ўтказилган ходим тайинланишдан олдин келишилган муддат тугагандан сўнг унга аввалги иши берилиши шарт. 92-модда эса доимий ишга ўтказилишни белгиради. Ва ходимни ишдан олиш учун аввало унга маълум қилиниши, айбли ҳаракатлар учун тушунтиришлар олиши, бир сўз билан айтганда, ишдан бўшатилиш учун Меҳнат кодексида кўрсатилган талаблар бажарилиши лозим. 219-сонли ишдан олиш тўғрисидаги буйруқда бу талаблар бажарилмаган. Шунинг учун МКнинг 92-моддасига асосланиб ишга тайинланган буйруқни МКнинг 93-моддаси деб тушуниш керак бўларди. Суд худди шундай «тушунди». Лекин ўшанда ҳам юқоридаги савол кўндаланг бўлади: МКнинг 96-моддасига кўра, вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилиши керак. 119-сонли буйруқда эса бундай муддат йўқ.

А.Рисқуллаев хатида **«Қўмитанинг 219-сон буйруғига аввалги ишга ўтказилишингиз тўғрисида кўрсатилмасдан ва тузилган шартномаларга (агар тузилган бўлса) уларга тегишли ўзгартиришлар киритилмасдан, буйруқ билан таништирилмасдан қабул қилинган. Яъни айбли ҳаракатларингизга сиздан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилмасдан Меҳнат кодексида белгиланмаган тартибда лавозимдан озод қилингансиз (МКнинг 181, 182-моддаларига зид равишда). Бу ҳаракатлар билан Қўмита сиз билан меҳнат муносабатларда қонун талабларини бузган ҳолда иш олиб бориб, меҳнат қонунчилиги билан берилган қонуний ҳуқуқ ва кафолатларингизни таъминламаган»** дейди. Шунингдек, 219-сонли буйруқнинг 1-бандида қўлланган «эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин ва ДСҚ ихтиёрига қайтарилсин» каби ибоpалар меҳнат қонунчилигида ишлатилмаслигини таъкидлайди. Чунки, Х.Ортиқов бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, қонун талаби бўйича аввалги ишига қайтиши ҳақида буйруқда кўрсатилиши керак эди. Қонуннинг бу талабини Қўмита орадан 6 ой ўтиб, айнан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳайъатида иш кўрилаётганда бажарди. Ажримда (2002 йил 18 январь) ёзилишича, **«судлов ҳайъати мажлиси жараёнида ДСҚ томонидан 454-сонли қўшимча буйруқ тақдим қилиб 219-сонли буйруқдаги камчиликни тўлдириб, буйруқдаги ДСҚ ихтиёрига сўзларидан сўнг «олдинги эгаллаб келган ССҲБҚК Бош бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимига» деган сўзлар қўшимча тариқасида киритилган»...**

Олти ойдан сўнг таҳрир ёки қўшимча киритишнинг ўзиёқ буйруқнинг савияси ҳақида судга қандайдир маълумот бермаяптимикин? Суд бунга ҳуқуқий баҳо бериши керак эмасмиди? Аксинча, қонуний кучга кирган буйруқнинг ярим йилдан сўнг, яна суд залида таҳрир қилинишига изн берди. Бу Х.Ортиқовнинг ҳуқуқларига нисбатан ошкора беписандлик эмасмикин?

Яқинда ишни назорат тартибида кўриб чиққан Тошкент шаҳар фуқаролик судининг раиси К.Комилов ҳам Бошқармада меҳнат унумдорлиги юқори бўлганлигини, лекин Х.Ортиқовнинг бошқарув услуби жамоа муҳитини бузганлиги ҳамда меҳнат ва ижро интизомини сусайтириб юборганлигини таъкидлаб, буйруқ тўғри чиқарилган, деган хулосага келди. Меҳнат ва ижро интизоми сусайган бўлса, яхши кўрсаткичларга қандай эришиш мумкин, каби саволлар билан бирга А.Рисқуллаевнинг 219-сон буйруқда Меҳнат кодексининг қайси моддасига асосланиб Х.Ортиқов лавозимидан озод этилганлиги кўрсатилмаган, деган эътирози ҳам яна жавобсиз қолди.

Даъвогар Х.Ортиқов эса айнан ана шу саволларга жавоб кутаяпти.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

3

ЎЗБЕКИСТОН — АВТОМОБИЛСОЗЛИК МАМЛАКАТИ

«МАТИЗ»

ИХЧАМ АВТОМОБИЛЛАР ҚИРОЛИ

Мамлакатимиз автомобиль саноатининг кенжа маҳсулоти бўлмиш «Матиз» серқатнов йўлларда узукка қўйилган кўздек ярашиб турибди. У ўз жозибаси билан нафақат ҳайдовчиларнинг, ҳатто оддий ҳаваскорларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этмоқда. «Ўзбекистон овози» газетаси «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик бирлашмаси билан ижодий ҳамкорликда «Матиз» автомобилининг техник хусусиятлари, афзал жиҳатлари ҳақида туркум суҳбатлар ёритиб бормоқда. Бугунги суҳбатдошимиз Тошкент автомобиль-йўллар институти «Автомобиллар» кафедраси мудири, техника фанлари номзоди Э. Файзуллаев.

— Эркин Зикруллаевич, сиз ишлаётган институт автомобиль транспорти соҳаси кадрларини тайёрлаш билан шуғулланувчи Ўрта Осиёда ягона илм ўчоғидир. Ўзбекистонда автомобиль саноати бунёд этилиши ана шу олий ўқув юртида олий таълим равнақи учун қандай аҳамият касб этиши ҳақида фикрлашсак.

— 10 йил аввал Ўзбекистонда шундай замонавий автомобиль заводлари бўлади десалар, очиғи мен ишонмаган бўлардим. Қарангки, жуда қисқа вақт — 1,5 йилда шундай замонавий заводларнинг барпо этилиши чиндан ҳам ҳар бир одамни ҳайратга солади. Илғор технологиялар билан мукаммал жиҳозланган автомобиль заводларининг дунёга келиши Юртбошимизнинг тараққиёт йўлида амалга оширган мислсиз ишларидан биридир. Мамлакатимиз автомобиль саноатининг ташкил топиши биринчидан, дунёга танитди. (Ўзбекистон дунё бўйича 28-бўлиб автомобиль саноатига эга бўлган давлатлар қаторидан ўрин олди). Иккинчидан, Ўзбекистон автомобиллар экспорти эвазига хазинамизга валюта келиб тушади, учинчидан, кўплаб янги ишчи ўринлари очилди. (Автомобиль заводида 1 ишчи ўрнини жорий этиш бошқа заводларда 6 тадан янги ишчи ўрни туғилишига олиб келади.) Тўртинчидан, институтимизда тайёрланаётган кадрлар сони ва сифати тубдан яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ва биз бу борада, яъни таълим соҳасида ҳали кўп дастурларни жорий этишимиз зарур. Бешинчидан, мамлакатимизга янги илғор технологиялар кириб келиши учун қулай йўллар очилади.

— Ўзбекистонда чиқарилаётган автомобиллар ҳақида фикрингизни билдирсангиз?

— Ўзбекистондаги автомобиль заводлари «СамКочавто»нинг «UzOtoyol» юк автомобиллари ва автобуслари, «ЎзДЭУавто»нинг «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз» енгил автомобиллари дунё стандартларига жавоб беради. Буни «ЎзДЭУавто» автомобилларини нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам севиб харид қилишаётганидан билиш мумкин.

— «Матиз» автомобили ҳақида тўхталсангиз.

— 2001 йил август ойида «ЎзДЭУавто»да «Матиз» янги автомобилининг халқаро тақдимоти унутилмас воқеа бўлди. Бу автомобиль Буюк Британия, Италия, Германия ва Жанубий Кореядаги замонавий технологиялар синтези туфайли дунёга келди. «Матиз» сўзининг этимологик маъноси испанча «ҳиссиёт», деган маънони англатади. Бундай ном қўйилишига сабаб автомобилнинг ташқи дизайни, жозибадорлиги, ишончлилиги ҳамда юқори даражада қулайликка эга эканлигидир.

«Матиз» автомобилини Европа бозорида қадрлашади. Чунки бу автомобилнинг бир қатор афзал жиҳатлари ҳамманинг эътиборини тортади: ёнилғи билан таъминлаш тизимида карбюратор ўрнига электрон блок орқали бошқариладиган инжекторли ёнилғи пуркаш мосламаси ўрнатилган. Бундай тизим ёнилғининг тўлиқ унумли ёниши ва кам сарф бўлишини таъминлайди. Ана шундай тизимнинг қўлланиши ва двигателнинг кўрсаткичлари ўзгартирилиши «Матиз» автомобилида «Тико» автомобили сингари уч цилиндрли 796 см² ишчи ҳажмли двигател ўрнатилгани билан унинг қувватини 52 от кучига етказган.

«Матиз» кузовининг тузилиши ўзига хос дизайнли бўлиб, бу шакл ҳавонинг қаршилик кучини камайтиради. Орқа ўриндиқ эшикларига махсус қулф ўрнатилган бўлиб, ёш болалар ўтирганда уларнинг беихтиёр ташқарига чиқиб кетмаслиги учун бу эшиклар маҳкам қулфланади ва очилмайди. Автомобилнинг ён ойналари масофадан туриб бошқариладиган қурилма ёрдамида орқа манзарани равшан кўрсатади. Рул бошқармаси махсус кучайтиргичлар ёрдамида автомобилни бошқаришни осонлаштиради. Эшиклар яна бир ноёб мослама, яъни марказий қулф билан ҳам таъминланган. Агар ҳайдовчи олд эшигини қулфласа, барча эшиклар ўз-ўзидан ишончли ва мустаҳкам қулфланади. Орқа ўриндиқ ётқизиб қўйилса, катта ҳажмдаги юкни бемалол жойлаштириш мумкин. «Матиз» автомобили ғилдираги «Нексия» ғилдираги каби ишланган. Унинг максимал тезлиги 144 км/соатдан иборат. Автомобиль салонининг ичи кенг ва қатор қулайликлари бор.

■ **Суҳбатни Абдулла ПЎЛАТОВ ёзиб олди.**



РАҚОБАТ РИВОЖЛАНИШГА ЕТАКЛАЙДИ

Хўжайлида Жумамурот Туремуротовни фақат моҳир шифокор эмас, балки тадбиркор сифатида ҳам яхши билишади. Турли соҳа ходимларининг, хусусан, тадбиркорларнинг унга тез-тез иши тушиб туради. Гапнинг сираси унинг фермер хўжалиги, аудиторлик компанияси, хусусийлаштириш инвестиция фонди бор. Ишнинг кўзини билади. Унинг «Антакия» ХИФининг акциялари жуда даромадли эмиш, деб қулоғига чалинган кишилар сотиб олиш мақсадида, эшигини тақиллатишади.

Тадбиркорнинг иккита хусусий поликлиникаси бор: биттаси стоматология, иккинчиси гинекологияга ихтисослашган.

Стоматология поликлиникасининг иш бошлаганига ўн йилдан ошди. Бу ерда беш нафар моҳир стоматолог хизмат кўрсатади. Поликлиникада замонавий жиҳозлар, Қорақалпоғистонда ягона титан қопламаси қуядиган ускунагача бор.

Гинекология поликлиникаси хизматидан баҳраманд бўлган аёллар айтишдики, бу ерда дўхтирлар меҳрибон, ҳамширалар атрофингда парвона...

Шифокорнинг даромади мижозларга боғлиқ. Шунинг учун шифокор аниқ ташҳис қўйиш, яхши муолажа қилишга интилади. Поликлиникада бемор шифокор вақти билан эмас, шифокор бемор вақти билан ҳисоблашади. Кўрик ва муолажа вақти бемор учун қулай вақтга белгиланади.

— Моддий манфаатдорлик ўз ишингнинг устаси бўлишга ва билимингни доим ошириб боришга, тиббиётнинг, фармацевтиканинг энг сўнгги янгиликларидан бохабар бўлишга ундайди, — дейди поликлиника бош шифокори Улбўлсин Бийсекенова.

Хусусий шифо маскани ходимлари юқори талаблар даражасида ишлаётганидан ҳатто Нукусдан ҳам поликлиникани дараклаб келаётган аёллар кўпайиб боряпти. Нархлар қиммат эмас: кўрикдан ўтказиш, ташҳис қўйиш, муолажа белгилаш 300 сўмдан 700 сўмгача бўлиши мумкин.

Агар кундузлари ётиб даволанишни истасангиз марҳамат, барча шароитлар бор, палаталар чиннидек озода, қишда иссиқ, ёзда кондиционерлар туфайли салқин, гуллар барқ уриб очилиб ётибди.

— Соғлиғим туфайли кўп шифокорларга, тиббиёт муассасаларига мурожаат қилганман, — дейди ушбу масканда даволанаётган Азиза Аҳмедова. — Аммо бундай шароит ва хушмуомалаликни кўрмагандим.

Мавсум Наврўзбоева, Умидаз Умирбоева, Меригул Исмоиловалар ҳам унинг гапини маъқуллаб, ўз миннатдорчиликларини баён этишди.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТЎҚИМАЧИЛАР ШОДИЁНАСИ

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти тамғаси билан хорижга жўнатилаётган газламаларда баҳор ифодаси бор. Шунинг учун бўлса керак, чет эллик харидорлардан буюртмалар тушиб турибди. Дарвоқе, харидор бор — даромад бисёр, байрам ярашади ҳаммага. Мана, кириб келган Наврўзи оламни бухоролик тўқувчилар яхши кайфият билан тўкин дастурхон атрофида байрам қилдилар. Жамият раиси Шукрулла Давировнинг эллигинчи баҳори айнан Наврўзга тўғри келганлиги боис ҳамма уни қутлади. Тўқувчилар хушовоз хонанда Анвар Санаевнинг қўшиқларидан, ҳаваскорларнинг ранго-ранг дастурларидан баҳраманд бўлдилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

ЎРТАЧЎЛДА ЯНА БИР ТАРМОҚ

Ўртачўл даҳаси Қизилтепа туманининг олис, сув тақчил ҳудуди саналади. Мазкур ҳудудда туманнинг кўплаб пахтачилик ҳамда чорва озуқаси етиштиришга ихтисослашган хўжаликлари мавжуд. Шу боис Ўртачўлда акциядорлик тижорат «Пахта банки»и Қизилтепа бўлимининг филиали иш бошлади. Ширкат хўжаликлари, фермерлар ҳамда ўрта ва кичик бизнес субъектларига намунали банк хизмати кўрсатишга мўлжалланган бу тармоқ ҳозирдаёқ ўз мижозларига эга бўлди.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

«ЯНГИ АСР ИЛҲОМЛАРИ»

Шоир Мурод Раҳмоннинг ўттиз йилдан бери Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси орқали янграб келаётган дилбар қўшиқлари эндиликда кўплаб мухлислар қалбидан жой олган. Унинг шеърлари асосида халқимизнинг таниқли хонандалар ижро этаётган юзлаб қўшиқлар яратилган.

Шоир яқинда «Янги аср илҳомлари» номли шеърий туркум яратди. Ундаги шеърларда она-Ватан мадҳи, меҳр-оқибат, вафо, садоқат, дўстлик ва муҳаббат туйғулари тараннум этилади.

НАВРЎЗДА

Келинг, эй дўстлар, дийдор кўришайлик наврўзда,
Боғдан чиройли гуллар теришайлик, наврўзда.
Аразлаган бўлса ким, ярашайлик наврўзда,
Бир-биримизга шодлик улашайлик наврўзда.
Ҳар одамга бахт-иқбол тилашайлик наврўзда!
Яхшидан аҳдга вафо, бўлса ёрга садоқат,
Ютар ғазабни ютган, ютқазади бетоқат.
Қадр берар оқибат, поклик — ҳамиша роҳат,
Кўнгиллардан ҳол-аҳвол сўрашайлик наврўзда,
Ота-онани йўқлаб боришайлик наврўзда!
Олам гўзал тус олмиш, безанмиш юрту эллар,
Очилиб турфа гуллар, нурафшон бўлмиш йўллар.
Кела қолинг, азизлар, сизни соғинган диллар,
Қон-қардошлар пойига гул тўшайлик наврўзда,
Дўстлар учун мангу қўл беришайлик наврўзда!
Сокин, тинч бўлсин осмон, қалбларда ишқу, имон,
Тўла бўлсин дастурхон, сумалакка ботсин нон.
Чеҳралар хандон-хандон, тотув бўлсин хонадон,
Байрам завқин ўзаро бўлишайлик наврўзда.
Кулгига нима етсин, кулишайлик наврўзда!
Энди чин бахтиёрмиз, қўлда ихтиёримиз,
Меҳрдир — шиоримиз, яшнасин диёримиз.
Севинчларга бошласин ҳар куни баҳоримиз,
Ширин орзу-Муродга эришайлик наврўзда.
Келинг, эй дўстлар, дийдор кўришайлик наврўзда!

ЮРТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

ОТА ВА ЎҒИЛ АЙТИШУВИ

Ота:
— Ўғлим, мен кўп йиллар кездим,
Қанча шаҳар, эллар кездим...
Дилда Ватан меҳрин сездим!
Ўйга танҳо макон келди —
Фақат Ўзбекистон келди,
Юртимизга кўз тегмасин,
Бахтимизга кўз тегмасин!

Ўғил:
— Истиқлолдан дил шод энди,
Диёримиз озод энди.
Яшнар мудом, обод энди,
Юртимизга омон келди,
Қалбга тўла имон келди!
Юртимизга кўз тегмасин,
Бахтимизга кўз тегмасин!

Ота:
— Ватанга чин ўғил бўлинг,
Марду, доно, оқил бўлинг.
Дўстга содиқ, якдил бўлинг,
Ёшлар учун даврон келди,
Кучоқ очиб жаҳон келди!
Юртимизга кўз тегмасин,
Бахтимизга кўз тегмасин!

Ўғил:
— Она юртга жоним фидо,
Ўз бурчимни этгум адо,
Ўтмишимдан берди садо:
Темур бобом омон келди,
Усмон Носир, Чўлпон келди!
Юртимизга кўз тегмасин,
Бахтимизга кўз тегмасин!

Ота:
— Йилдан-йил халқ камол топар,
Кундан-кунга иқбол топар,
Кўз ўнгимда жамол топар,
Дўстлар кулиб, шодон келди,
Ғанимларга армон келди.
Юртимизга кўз тегмасин,
Бахтимизга кўз тегмасин!

Ўғил:
— Ўлкамизда гўзал байрам,
Тинчлигимиз боқий ҳар дам,
Кувончларда Мурод ҳамдам,
Бирам ширин даврон келди,
Дориламон замон келди!
Юртимизга кўз тегмасин,
Бахтимизга кўз тегмасин!

■ **Мурод РАҲМОН**

«АДОЛАТ» НАШРИЁТИ 10 ЁШДА

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

1992 йилнинг 8 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Адлия вазирлиги муассислигида юридик адабиётлар чоп этишга ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти таъсис этилганди.

Бу йиллар давомида жамоа шаклланиб, оёққа турди. Ноширликнинг мураккаб ихтисосини эгаллаган муҳаррир, рассом, ишлаб чиқариш ходимлари етишиб чикди. «Адолат»нинг юзига, рамзига айланган китоб, дарслик, қўлланма, меъёрий ҳужжатлар, расмий материаллар, детектив асарлар чоп этилди. Вақти келиб, «Адолат» нашрлари қидириб ўқиладиган китобларга айланди.

Ўтган давр мобайнида нашриёт ҳуқуқий таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот, жамиятни демократиялаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишида ўз асарлари билан салмоқли ҳисса қўшди. Ўзбекистон Президенти Фармонлари, Олий Мажлис қонунлари ва бошқа расмий, меъёрий ҳужжатларни чоп этиб, республикада қонунчиликни ҳаётга изчил жорий этиш ва мустаҳкамлаш, қонуннинг ҳамма учун баробарлигини исботлашда самарали фаолият кўрсатди.

«Ўзбекистоннинг янги қонунлари», «Ўзбекистон Республикасининг кодекслари», «Ўзбекистон Конституцияси», «Суд, прокуратура ва адвокатлик тизими», «Дарслик қўлланма ва луғатлар» сингари туркумларда ранг-баранг рукнлардаги адабиётлар чоп этилди.

Бу тарихий йиллар жараёнида нашриётда М. Восиқованинг «Оила ва қонун», «Ҳар бир аёл учун», Ш. Ўразаевнинг «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси», Ф. Отахоновнинг «Халқ хўжалигида юридик хизмат ва талабнома-даъво ишларини юритиш», И. Зокировнинг II жилдлик «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи», Ғайбулло ас-Саломнинг «Ҳалоллик бозорда сотилмайди», М. Усмоналиевнинг «Жиноят ҳуқуқи», Ғ. Абдумажидовнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида»ги Қонунга шарҳлар», Б.А. Миренскийнинг «Правоохранительные органы Республики Узбекистан» каби кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлган китоблари чоп этилди.

Булардан ташқари нашриёт тарихий хазинамиз саналмиш Ислом шариати Қонун китоблари — қадимий фиқҳлар: Имом ал-Бухороийнинг «Ҳадис»лари, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Сунани Термизий», Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» сингари Шарқ дунёсида маълум ва машҳур бўлган асарларини чоп этиб, Ислом эътиқодининг Истиқлол мафкурасига соғлом таъсирини таъминлади. Айни пайтда бу билан диний экстремизм, террорчилик, «Хизбут-таҳрир» сингари жамиятимиз ақидаларига зид қарашларга зарба берди.

«Адолат» нашриёти бадиий адабиётдан узилиб қолмади. Ўзбек саргузашт прозаси, миллий детективнинг шаклланишига ҳам муносиб ҳиссасини қўшди. Ў. Умарбековнинг «Ёз ёмғири», Ғ. Раҳматуллаевнинг «Нафс сиртмоғида», М. Ҳасанийнинг «Икки ўт орасида» каби оригинал ҳамда ўнлаб таржима романқиссаларни чоп этиш билан бу борада ўқувчилар бадиий эҳтиёжларини қондириб келди.

Жорий йилда нашри режалаштирилган китобларнинг катта қисмини ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорликка оид материаллар, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига шарҳлар, дарслик, қўлланма, монографиялар, ҳуқуқий меросимиз тарихидан намуналар ташкил этади.

«Адолат» нашриётининг босиб ўтган йўли, муассиснинг доимий хайрихоҳлиги, жипслашаётган жамоанинг фидойи меҳнати, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китобли фаолият юритишга интилиш — нашриёт истиқболи порлоқ эканидан далолатдир.

■ **Маҳмуд САТТОРОВ, «Адолат» нашриёти директори вазифасини бажарувчи.**

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — битта автомобиль пулига

ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

ИНТЕР-СПОРТ

АҚШ ЖАМОАСИ ЯРИМ ФИНАЛДА

АҚШ терма жамоаси теннисчилари Дэвис кубоги учун курашнинг чорак финалида Испания жамоаси билан майдонга тушиб, ҳисобни 3:1 га етказди. Бу ютуқ АҚШ теннисчиларининг ярим финалга йўлланма олишларига имкон берди. Бу ғалабани таъминлашда Энди Роддик ва Алекс Корретха учрашуви кўпроқ аҳамият касб этарди. Бахтга қарши, испаниялик теннисчи аввалги учрашувда қўлидан лат егани учун майдонга тушолмади. Унинг ўрнига бирмунча тажрибасиз Бетто Мартин ўйнаб, Эндига имкониятни бой бериб қўйди. Шундай қилиб, АҚШ терма жамоаси ярим финалда Франция теннисчилари билан куч синашадиган бўлиб турибди.

МУРАББИЙНИНГ ОРЗУСИ

Шотландиянинг «Рейнджерс» футбол клуби мураббийи Алекс Маклишнинг бир орзуси бор. У қандай бўлмасин Аргентина футболчилари орасида етакчи ҳисобланган Клаудио Канижнинг жаҳон чемпионати финал ўйинларида иштирок этишига йўл очиб бериш. Гап шундаки, Шотландия кубоги учун курашда «Рейнджерс»нинг — «Селтика» жамоасига қарши ўйинда Клаудио ажойиб ўйин кўрсатиб эътибор қозонган эди. «Бундай футболчининг ҳаракатларидан ҳамиша кўнглим тўқ бўлади. Клаудио ажойиб ўйинчилардан бири, — дейди «Рейнджерс» мураббийи. — Чунки шунақа футболчиларнинг жаҳон чемпионатида иштирок этиши мухлисларга завқ бағишлайди».

ЯНГИ РЕКОРД ЎРНАТИБ

Парижда ўтказилган анъанавий марафон пойгаси қизғин баҳсларга бой бўлди. Француз Бенуа Цвирчлевски маррада биринчи бўлиб жаҳон рекорди натижасига бор-йўғи етти сония етолмай қолди. Аёллар ўртасида эса бельгиялик Марлен Рендерс маррада биринчи бўлиб жаҳон рекордини 39 сонияга яхшилади. Япон пойгачиси Ри Матсуока иккинчи, кениялик Эстер Киплагат учинчи ўринларни эгаллашди. Мусобақада эса 29 минг пойгачи иштирок этди.

Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» бошқаруви банкнинг Хоразм филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи Сардор Собировга падари бузруквори **Маҳмуджон СОБИРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СПОРТ

«ПАХТАКОР»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Одатдагидек, ўтган шанба ва якшанба кунлари футбол бўйича мамлакат XI миллий чемпионати учрашувлари ўтказилди. Мавсумнинг тўртинчи турида марказий ўйин пойтахтда «Пахтакор» ҳамда ўтган йилги чемпион — Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлди.

Ҳозирча бирорта ҳам очко йўқотмаган пахтакорчилар бу гал ҳам ўз ишқибозларини қувонтирди. Ўйинни кузатиш учун қирқ мингдан ортиқ томошабин ташриф буюрди. У учрашувнинг 14-дақиқасида легионер Гочқули Гочқулиев мезбонларни олдинга олиб чикди. Иккинчи бўлимда «Пахтакор»нинг истеъдодли футболчиси Леонид Кошелев ҳисобдаги фарқни оширди— 2:0.

Турнинг кутилмаган натижаси «Самарқанд-Д» — «Бухоро» учрашувида қайд этилди. Биринчи бўлимда 1:0 ҳисобида олдинда бораётган бухороликлар ўйиннинг қолган қисмида ўз дарвозаларидан тўрт тўп ўтказиб юборишди. Мезбонлардан барча тўпни Равшан Бозоров киритди.

Қолган учрашувлар эса қуйидагича якунланди: «Трактор» — «Сўғдиёна» — 3:3, «Машъал» — «Зарафшон» — 1:0, «Навбаҳор» — «Қўқон — 1912» — 2:0, «Металлург» — «Дўстлик» — 1:0, «Қизилқум» — «Сурхон» — 2:0. Ушбу турнинг «Андижон» — «Насаф» ўйини 17 апрелга кўчирилди.

4-турдан кейинги вазият қуйидагича:

	Ю	Д	М	Т-Н	О
«ҚИЗИЛҚУМ»	4	0	0	10-0	12
«ПАХТАКОР»	4	0	0	9-1	12
«САМАРҚАНД-Д»	3	0	1	7-3	9
«БУХОРО»	2	1	1	6-6	7
«НАСАФ»	2	0	1	4-1	6
«НАВБАҲОР»	2	0	2	7-6	6
«ЗАРАФШОН»	1	2	1	4-3	5
«СЎҒДИЁНА»	1	2	1	5-6	5
«НЕФТЧИ»	1	1	2	4-4	4
«МАШЪАЛ»	1	1	2	2-3	4
«ҚЎҚОН-1912»	1	1	2	3-6	4
«МЕТАЛЛУРГ»	1	1	2	1-4	4
«ДЎСТЛИК»	1	0	3	3-9	3
«АНДИЖОН»	0	2	1	1-2	2
«ТРАКТОР»	0	2	2	4-6	2
«СУРХОН»	0	1	2	2-10	1

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон терма жамоаси норасмий жаҳон чемпионати — Дэвис кубоги мусобақаларида қатнашаётганлигини хабар қилгандик. 7 апрель куни вакилларимиз Осиё—Океания минтақаси биринчи гуруҳида ўз ўринларини сақлаб қолиш учун Жанубий Корея теннисчиларига қарши баҳсларни якунлашди.

«Юнусобод» спорт мажмуи уч кун давомида теннис ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Мусобақанинг илк кунида спортчимиз Вадим Куценко рақибига имкониятни бой берган бўлса, иккинчи вакилимиз Олег Огородов учрашувни кўтаринки кайфиятда ўтказиб, ғалаба қозонган эди. Умумжамоа ҳисобидаги дуранг натижа мутахассисларимизда бироз хавотир уйғотди. Жуфтлик баҳсларида эса теннисчиларимиз О. Огородов В.Куценколар Жанубий кореялик Хи Сок Чанг-Донг Хьюнг Кимларга қарши чиройли ўйин намойиш этиб, бу хавотирни бартараф этишди — 6:4, 3:6, 6:2, 4:6, 6:3.

Ушбу ғалабадан кейин баҳсларнинг сўнгги кунида фақат бир теннисчимиз ютуғи ҳам терма жамоамизни қаноатлантирарди. Лекин, икки вакилимиз учрашувларда ўз маҳоратларини кўрсатиб, мухлисларни қувонтирди: Олег Огородов — Хи Сок Чанг — 6:7(2), 6:4, 6:0, 6:2. Вадим Куценко — Суенг Бог Вак — 7:6(4), 6:4.

Шундай қилиб, мамлакатимиз терма жамоаси нуфузли мусобақада Жанубий Корея теннисчиларини умумий — 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиш билан биргаликда, ўз гуруҳларидаги мавқеларини ҳам сақлаб қолдилар.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq —	133-44-55
Iqtisodiyot —	133-76-04
Ma'naviyat —	133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar —	133-12-56,
Axborot —	136-55-16
Kotibiyat —	133-72-83
Reklama va e'lonlar —	133-38-55, 133-47-80
Faks —	133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —	25-16-16
Buxoroda —	222-10-92
Gulistonda —	25-03-80
Jizzaxda —	5-49-85
Navoiyda —	3-39-20
Namanganda —	6-43-43
Nukusda —	222-70-12
Samarqandda —	35-20-54
Toshkentda —	136-53-16
Urganchda —	226-51-35
Farg'onada —	26-43-62
Qarshida —	4-61-35
Termizda —	3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA